



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 92 (13.939)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ СОДДАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартибини соддалаштириш, тугатиш жараёнини амалга оширишда тадбиркорлик субъектлари учун асоссиз харажатлар қилишга олиб келувчи ортиқча маъмурий чекловларни бекор қилиш, бизнесни юритиш бўйича халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини янада яхшилаш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вақтинчалик солиқ қўмитаси ва Адлия вазирлигининг 2020 йил 1 январдан бошлаб:

молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устив жамғармаларини шакллантирилмаган қорхоналарни тугатиш бўйича доимий ишловчи махсус худудий комиссияларни тугатиш;

давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичида устив фонди таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирилмаганлиги учун тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартибини бекор қилиш;

давлат органлари ўртасида электрон ахборот алмашинувини жорий этиш орқали тадбиркорлик субъектларини тугатиш жараёнидаги ортиқча ҳужжатлар ва тартиб-таомилларни қисқартириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. 2020 йил 1 январдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

а) тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларни (кейинги ўринларда – қорхоналар) ихтиёрий тугатишда:

бир ёки бир неча даврий босма нашрларда қорхонанинг тугатилиши тўғрисида эълонлар бериш талаб этилмайди, бунда тегишли маълумотлар рўйхатдан ўтказувчи органнинг расмий сайтыга жойлаштирилади;

давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаган ҳамда солиқ қарзи мавжуд бўлмаган қорхоналарнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текширилмайди;

давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилган, тугатиладиган қорхонанинг молия-ҳўжалик фаолиятини текширишнинг энг узок даврийлиги уч йилни ташкил этади;

молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш учун ваколатли давлат органларидан қорхона тўғрисидаги мавжуд маълумотларни олиш Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг авто-

матлаштирилган тизими (кейинги ўринларда – Тизим) орқали амалга оширилади;

қорхонани ихтиёрий тугатишнинг умумий муддати рўйхатдан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида хабардор қилинган кундан бошлаб олти ойдан ошмаслиги керак;

б) тадбиркорлик субъектлари – жисмоний шахслар фаолиятини тугатишда ариза берувчи томонидан давлат солиқ хизмати органининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи йўқлиги тўғрисидаги ҳулосасини олиш талаб этилмайди;

в) молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган қорхоналарнинг молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган деб ҳисоблаш учун асос бўладиган муддат тўққиз ойни ташкил этади;

молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган қорхоналар давлат солиқ хизмати органининг тақдимномасига асосан рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан уч йил муддатга харақатсиз режимга ўтказилади;

харақатсиз режимга ўтказилган қорхоналар фаолияти уч йил давомида тикланмаган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи орган уларни тадбиркорлик субъектларининг Ягона давлат реестридан чиқаради.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

## ТОШКЕНТ ШАҲРИДА "Д.И.МЕНДЕЛЕЕВ НОМИДАГИ РОССИЯ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ УНИВЕРСИТЕТИ" ФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ФИЛИАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республика иқтисодиётининг саноат тармоқлари учун малакали кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш, олий таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, 2018–2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникациявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича келишувларни амалга ошириш юзасидан амалий тадбирлар режаси ("Йўл харитаси")ни ижро этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Ўқимёсанот" АЖ ва "Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети" Федерал давлат бюджетли олий таълим муассасасининг (Россия Федерацияси) (кейинги ўринларда – Университет) Тошкент шаҳрида "Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети" Федерал давлат бюджетли олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш

тўғрисидаги таклифга розилик берилсин (кейинги ўринларда – Филиал).

2. Қуйидагилар Филиал фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин: республиканинг саноат тармоқларидаги муҳим илмий-технологик вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган юқори малакали муҳандис-техник кадрларни халқаро таълим стандартларига мувофиқ тайёрлаш;

наноматериаллар кимёвий технологияси, материалшунослик ва материалларни коррозиядан сақлаш, материалларга бадиий ишлов бериш технологияси ва саноат ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар олиб бориш;

таълим ҳамда илм-фаннинг узлуқсизлиги ва изчиллиги, шунингдек, уларни ҳажм таълими ва илм-фани ҳамжамиятга интеграция қилиш ҳисобига мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

## АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ЮКЛАРНИ ХАЛҚАРО ТАШИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда автомобилда юкларни халқаро ташиш соҳасида хорижий давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш масалаларини тартибга солиш, миллий таълимчиларнинг катта юк автотранспорт воситалари паркинни янгилаш ва модернизация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва транспорт хизматлари халқаро бозорда уларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича шартномавий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга йўналтирилган салмоқли чора-тадбирлар кўриди.

Шу билан бирга республиканинг ўсиб бораётган экспорт салоҳияти ва экспорт қилинадиган маҳсулотлар қийматида транспорт харажатларини мақбуллаштириш зарурати катта юк автотранспорт воситалари парки қувватини ошириш, маҳаллий ташувчилар фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрилишини талаб этади.

Миллий ташувчиларнинг катта юк автотранспорт воситалари паркинни янада янгилаш ва модернизация қилиш учун

қўшимча шарт-шароитлар яратиш, ички ва ташқи бозорларда уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ташқи савдо фаолиятини транспорт-логистик таъминлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2019–2021 йиллар даврида автомобилда халқаро юк ташиш учун фойдаланиладиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасидан автомобиль транспортида юкларни халқаро ташийдиган тадбиркорлик субъектларига қўйиладиган беришни назарда тутувчи маҳаллий ва чет элда ишлаб чиқарилган катта юк автотранспорт воситалари, тиркамалар ва ярим тиркамаларни сотиб олишда миллий ташувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартибини жорий этиш;

(Давоми 2-бетда)

"БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ":

## ХИТОЙДА ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ва Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги халқаро муносабатлар ахборот-таҳлил маркази вакилларидан иборат делегация ташриф билан Хитойда бўлди.

Ташриф доирасида Пекинда Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Хитой халқаро муаммолар академиясида "Бир макон, бир йўл" иккинчи халқаро форуми доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган ташаббуслар мазмун-моҳиятини ҳамкор мамлакат кенг жамоатчилигига етказишдан иборат.

Тақдимотда мамлакатимиз делегацияси томонидан "Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасида транспорт йўлақларини ривожлантириш, "ақлли" қишлоқ ҳўжалигини илгари суриш, қўшма агроинновация марказларини ташкил этиш, шунингдек, сайёҳлар алмашинувини кўпайтириш бўйича ҳамкорликнинг устувор йўналишлари кўриб чиқилди.

Тадбирда хитойлик экспертлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Бир макон, бир йўл" иккинчи халқаро фо-

румиди илгари сурган таклиф ва ташаббусларини юқори баҳолади.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари Халқаро форумда Ўзбекистон – Хитой ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболлари бўйича концептуал қарашларни тақдим этди. Бу, ўз навбатида, икки томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишлари ва механизмларини белгилаб берди. Ушбу қарашлар Хитой раҳбариятининг "Бир макон, бир йўл" ташаббусларини илгари суришдек ёндашуви ҳамроҳлигида.

Мамлакатимиз делегацияси, шунингдек, Хитойнинг катор етакчи тадқиқот марказларида – Хитой Халқ Республикаси давлат кенгаши ҳузуридаги Европа ва Осиё ижтимоий ривожланиш институти, Хитой замонавий муносабатлар академияси ва Хитой ижтимоий фанлар академияси қошидаги Россия, Шарқий Европа ҳамда Марказий Осиё институтларида ҳам учрашув, музокаралар ўтказди.

Мулоқотлар чоғида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Бир макон, бир йўл" халқаро иккинчи форумидаги

иштироки, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси Раиси Ли Чаньшун билан учрашувлари натижалари муҳокама қилинди.

Хитой Ўзбекистоннинг муҳим савдо-иқтисодий шерикларидан. Утган йили Циндао шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги мулоқотлар якунида умумий қиймати 6,8 миллиард АҚШ доллари бўлган 46 лойиҳа бўйича келишувларга эришилди. Шундан 3 миллиард доллари тўғриван-тўғри инвестиция шаклида. 2018 йилда ўзаро савдо айланмасида 35 фоиз ўсиш суръати кузатилди ва ушбу рақам 6,5 миллиард АҚШ доллари ташкил қилди. Утган йилда Хитой капитали иштирокида 350 га яқин қорхона фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинган Хитой капитали 8 миллиард доллардан зиёд.

Икки давлат раҳбарларининг мунтазамлик касб этган мулоқотлари бу каби ўзаро манфаатли ҳамкорликни хар томонлама ривожлантириш имконини бермоқда.

Учрашувларда Ўзбекистон – Хитой муносабатларининг жорий ҳолати таҳлил қилинди, стратегик шерикликни янада ривожлантириш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Мамлакатимиз делегацияси ташриф давомида икки давлат таҳлилий марказлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича таклифлар билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти билан Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Хитой халқаро муаммолар академияси ўртасида ҳамкорлик меморандумини имзолаш, ўзбекистонлик экспертларнинг Хитойда амалиёт ўташини ташкил этиш, "Бир макон, бир йўл" доирасидаги Ўзбекистон ташаббусларини рўёбга чиқаришга қаратилган қўшма конференция ва давра суҳбатларини ўтказиш бўйича келишувларга эришилди.

ЎЗА



### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қашқадарё вилояти Касби туманида тадбиркор Руслан Зиёдуллаев ноль қийматдаги Эски мактаб биносини капитал таъмирлаб, ўрнида давлат-хусусий шериклик асосида 120 ўринли "Мадина кўзмончоғи" нодавлат мактабга таълим муассасасини ташкил этди. Боғча рус ва инглиз тилларига ихтисослашган бўлиб, бунинг учун малакали мутахассислар жалб этилган. Шунингдек, боғчада шахмат-шашка, гимнастика тўғараклари ҳам иш бошлади.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган "Ташаббус – 2019" республика кўриқ-танловининг Бухоро вилоят босқичида "Йилнинг энг яхши хунарманди" йўналишида голиб бўлган бухоролик миниатюрachi расом Даврон Тошев тут дарактининг ёш кўчат пўстлогидан тажриба тариқасида сифати жуда юқори қоғоз ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

● Фарғона шаҳрида замонавий меҳмонхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. "Матҳолиқов Абдунашир файзи" масъулияти чекланган жамияти томонидан бунёд этилган 120 ўринли 4 қаватли меҳмонхона мажмуаси лойиҳаси учун 15 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарф этилган бўлиб, мижозлар учун барча шароитлар бор. 130 ўринли ресторан, анжуманлар зали ҳам фаолият кўрсатмоқда. Йил охирига қадар фитнес зал, сузиш ҳавзаси, ёзги ресторан ишга туширилади, келгуси йилда эса 40 ўринли янги меҳмонхона биноси қурилади.

● Жиззах вилоятида давлат-хусусий шериклик асосида қурилган 5 та мактабга таълим муассасаси фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 2019 йил охирига қадар яна 37 давлат-хусусий шериклик асосида, 10 та хусусий мактабга таълим муассасаси фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган.

### ЖАҲОНДА

● Данияда навбатдан ташқари парламент сайловлари бўлиб ўтди. Сайлов натижаларига кўра, либералларнинг йигирма йил давом этган бошқаруви ниҳоясига етиб, бу гал социал-демократик партия энг кўп овоз олгани ҳолда галаба қозонди.

● Колумбия ҳукумати венесуэлалик муҳожирларга мамлакатда жойлашиш учун махсус рухсатномалар беришга қарор қилди. Таъкидлаш жоизки, ҳозирда Колумбияда 1 миллион 600 мингдан ортиқ венесуэлалик муҳожирлар мавжуд.

● Халқаро футбол федерациясининг Парижда ўтказилган навбатдаги конгрессида 2016 йилнинг февраль ойдан буён ушбу ташкилотни бошқариб келётган Жанни Инфантино яна тўрт йил муддатга ФИФА президентлигига қайта сайланди.

### ҚИСҚА САТРАПДАР

● Тошкентдаги "International Hotel Tashkent" меҳмонхонасида Темур йўл ҳамкорлик ташкилоти вазирлар кенгашининг 47-сессияси бўлиб ўтди.

● Поштахотимиздаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида "Мумтоз наволар" деб номланган мақом ижодкорлари ва ижрочиларининг мақомий дам олиш дастури ўтказилди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўрағамлар залида "Ўзбекистон меъморчилигининг ноёб дурдоналари" туркумидаги кўрағам очилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ СОДДАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

3. Белгилаб қўйилсинки, Тизимга уланган давлат органлари ва бошқа ташкилотлари томонидан тегишли ахборотларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли тарзда киритилишини таъминлашда давлат хизматлари кўрсатилишининг белгиланган тартибидан бузиш деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Тизимга уланган давлат органлари ва бошқа ташкилотлари томонидан тегишли ахборотлар ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли тарзда киритилиши устидан, шу жумладан, Тизим орқали доимий назорат ўрнатсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги бир ой мuddатда ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳужжатларини қабул қилишда архив хизматларининг амалдаги норматив буйича аниқланадиган нархларини икки баробаргача пасайтириш чораларини кўрсин ҳамда натижаси буйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасига икки ой мuddатда:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда Тизимни мазкур Фармон талабларига мослаштириш, манфаатдор давлат органлари ва ташкилотларининг унга улашилари ташкил этиш буйича молиялаштириш манбалари аниқ кўрсатилган чора-тадбирлар дастури;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш буйича вакил билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси ҳамда "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида"ги Қонунга молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан уч йил мuddатга ҳаракатсиз режимга ўтказиш, фаолияти уч йил давомда тикланмаган бақдирда уларни Тадбиркорлик субъектларининг Ягона давлат реестридан чиқаришни назарда тутувчи ўзгаришлари ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги тақлифларни;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда Молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат реестридан чиқариш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳаларини;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2020 йил 1 январдан эътиборан иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 7 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА "Д.И.МЕНДЕЛЕЕВ НОМИДАГИ РОССИЯ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ УНИВЕРСИТЕТИ" ФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ФИЛИАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

муҳандис-техник ва илмий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва модернизация қилишга йўналтирилган янги таълим дастурлари ҳамда ўқитиш шакллари ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;

таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг яқин интеграциялашуви учун шарт-шароитлар яратиш; илмий-педагогик салоҳиятнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш, педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини фаол такомиллаштириш;

таълим ҳамда илмий-техникавий соҳаларда хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ва бизнес ҳамжамияти билан узоқ мuddатли муносабатларни ривожлантириш ва мустақамлаш.

3. Белгилансинки: Филиал Университетнинг алоҳида таркибий бўлини маси – олий таълим муассасаси ҳисобланади;

Филиал, Университет билан келишган ҳолда, таълимнинг бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, барча даражалардаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, шу жумладан, илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ишларини амалга оширадиган;

Филиалда ўқитиш рус тилида, Россия Федерациясининг федерал таълим стандартларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда Университет томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва дастурлар асосида амалга оширилади;

Филиалнинг таълим фаолияти 2019/2020 ўқув йилидан бошланади;

Филиалга абитурientларни қабул қилиш, таълим фаолияти ва Филиал битирувчиларини аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда Университет томонидан белгиланадиган талаб, тартиб ва мuddатларга мувофиқ амалга оширилади;

Филиал битирувчиларига ўқини битирганларидан сўнг Ўзбекистон Республикасида олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинмадиган белгиланган намунадаги диплом берилади.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки:

а) Университет қуйидагиларни таъминлашда қўмақлашадиган:

ўқув жараёнига илгор педагогик ва ахборот технологиялари, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этиш; Филиал мутахассисларининг малакасини ошириш ва профессор-ўқитувчилар таркибини қайта тайёрлаш;

Филиал кутубхона фондини шакллантириш ҳамда уни замонавий ўқув, ўқув-услубий ва илмий-техникавий адабиётлар билан тўлдириш;

б) Тошкент кимё-технология институти Филиалнинг академик ҳамқори ҳисобланади ва у;

Филиалнинг профессор-ўқитувчилари таркибини шакллантиришга қўмақлашадиган;

илмий-методик ёрдам кўрсатади, лаборатория ва илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун лаборатория хоналари, ўқув адабиётлари ҳамда ускуналарни бегараз асосда тақдими этади.

5. Қуйидагилар:

Тошкент шаҳридаги "Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети" Федерал давлат бюджетли олий таълим муассасаси филиалида **кадрлар тайёрлаш буйича бакалаврият таълимининг асосий йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари** 1-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳридаги "Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети" Федерал давлат бюджетли

олий таълим муассасаси филиалининг **Васийлик кенгаши таркиби** (кейинги ўринларда – Васийлик кенгаши) 2-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳридаги "Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети" Федерал давлат бюджетли олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш буйича **Ташкилий комиссия таркиби** 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

6. Ташкилий комиссия: 2019 йил 1 августга қадар Филиални жойлаштириш буйича бино ва иншоотларда зарур таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга оширсин, шунингдек, Филиал талабалари ва ўқитувчилари яшashi учун ётоқхона тайёрласин;

2019 йил 25 августга қадар Филиални жойлаштириш ҳамда уни зарур мебель, инвентарь, замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, кутубхона фонди, компьютер ва бошқа ортегхника билан таъминлансин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

а) Филиалга қабул квоталарни манфаатдор вазирлик ва идораларнинг тегишли кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, Университет ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда, Филиал Васийлик кенгашининг қарори билан тасдиқланадиган;

давлат гранти асосида таълим олган Филиал битирувчилари **республика ташкилотларига беш йилдан кам бўлмаган мuddатга мажбурий ишлаб бериш шарти билан ишга тақсимланади;**

б) Филиал фаолиятини молиялаштириш: талабаларни давлат грантлари буйича ўқитиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетли маблағлари ҳисобидан, бироқ Филиалга ўқишга қабул қилинадиган талабалар умумий сонининг 40 фоизидан ортқ бўлмаган микдорда;

талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

Васийлик кенгаши қарорлари асосида шакллантириладиган пул маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг хомийлик хайриялари ҳамда мақсадли бадаллари;

халқаро молия институтлари грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

8. Филиал Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-1 мавзеси, 47-уйда жойлашган Мирзо Улуғбек sanoat касб-хунаро коллежи биносига бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Мирзо Улуғбек sanoat касб-хунаро коллежи ўқувчилари ўқув жараёнини Мирзо Улуғбек sanoat касб-хунаро коллежи биносига ўқишлари биттунга қадар давом эттириладиган.

9. "Ўзимёсанот" АЖ корхоналарининг уларнинг маблағлари ҳисобидан Филиални ташкил этиш, унинг моддий-техника ва ўқув базасини шакллантириш билан боғлиқ ташкилий тадбирларни, шу жумладан, бино ва иншоотларнинг реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, зарур мебель, инвентарь, замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер ва бошқа ортегхника, кутубхона фонди билан таъминлаш ишларини молиялаштириш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

10. Белгилаб қўйилсинки, Филиалга Университетдан жалб қилинадиган профессор ва ўқитувчиларнинг хизмат сафари харажатлари ўқув жараёнининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

11. Филиалга ўқитувчилик ва илмий фаолият олиб бориш учун тақлиф этиладиган хорижий профессор-ўқитувчиларнинг яшash ҳамда транспорт харажатларини тузиладиган шартномалар асосида, Ўзбекистон Республикаси фуқаро

ролари учун белгиланган тарифларда тўлашга рухсат берилсин.

12. Белгилансинки, Филиал таъминоти учун бюджет ажратмалари 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа буйича тасдиқланган харажатлар параметрлари доирасида ажратилади, 2020 йилдан бошлаб эса мазкур соҳанинг йиллик харажатлар параметрларида назарда тутилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Университет ва "Ўзимёсанот" АЖ билан ҳамкорликда:

икки ой мuddатда таъсис ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва келишилиши, Филиалнинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши ва унинг ташкилий тузилмаси тасдиқланиши;

2019 йил 1 августга қадар Филиалнинг танлов асосида малакали профессор-ўқитувчилар таркиби билан тўлдирилишини таъминласин.

14. Филиалга иккита энгил автотранспорт, жумладан, битта хизмат ва битта навбатчи автотранспорт воситасини сақлашга лимит ажратилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар таркиби ва маъмурий ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик ҳамда бошқа йиғимлар ундирилмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар таркиби ва маъмурий ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун давлат божи ундирилмасдан белгиланган тартибда кўп мартали визалар берилиши ва узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшash манзиллари буйича вақтинчалик рўйхатдан ўтказилиши ҳамда унинг мuddати узайтирилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртманомаларига биноан чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини олиб бориш учун тасдиқномалар берилишини (мuddати узайтирилишини) таъминласин.

18. 2022 йил 1 июнга қадар Филиал фаолиятини таъминлаш ва уни жиҳозлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар буйича олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-методик адабиёт, инвентарь ва моддий-техник ресурслар божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

19. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А.Абдуваҳитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 7 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ЮКЛАРНИ ХАЛҚАРО ТАШИШИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

тижорат банкларининг жалб этиладиган кредитлари буйича фоиз харажатларини қоплашга, миллий валютадаги кредитлар буйича – тижорат банклари томонидан белгиланган ставканинг 25 фоизи микдоридан, бироқ 5 фоизли пунктдан кўп бўлмаган микдорда, хорижий валютадаги кредитлар буйича – тижорат банклари томонидан белгиланган ставканинг 40 фоизи, бироқ 3 фоизли пунктдан кўп бўлмаган микдорда **компенсация бериш;**

тижорат банкларининг кредитлари буйича кредит суммасининг 50 фоизига, бироқ 2 миллиард сўмдан кўп бўлмаган микдорда **кафиллик бериш** тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019-2021 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига ушбу бандда кўрсатилган мақсадлар учун зарур маблағларнинг босқичма-босқич ажратилишини таъминласин.

2. Белгилансинки: ишлаб чиқарилган пайтидан бошлаб **4 йилдан ортқ мuddат** даврида Филиал катта юк автотранспорт воситалари, шунингдек, ишлаб чиқарилган пайтидан бошлаб **6 йилдан ортқ мuddат** даврида тиркамалар ва ярим тиркамалар тижорат банклари томонидан уларни кредитга сотиб олишда хар икки томоннинг розилиги билан гаров таъминоти сифатида қабул қилиниши мумкин;

солиқ солиш мақсадида йўл қўйилиши мумкин бўлган юқори массаси 12 тоннадан ортқ бўлган юк автомобиллари (самосваллардан ташқари), ўтиргичли таягач (шатак), шунингдек, максимал массаси 10 тоннадан ортқ бўлган тиркамалар ва ярим тиркамаларнинг йиллик чекланган амортизация нормаси **10 фоизни** ташкил этади;

миллий ташувчиларга сотиш учун катта юк автотранспорт воситалари, тиркамалар ва ярим тиркамаларни импорт қилиш техник топшириқ-

ларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУҚда мажбурий экспертиза қилмасдан ва рўйхатдан ўтказмасдан амалга оширилади.

3. Белгилансинки, битта автотранспорт воситаси ҳисобига юк ташиш буйича хизматлар экспортдан бир йилда **20 000 АҚШ долларидан ортқ** тушум олган миллий ташувчиларга уларнинг аризаси буйича халқаро ташувчиларда фойдаланиладиган хар бир автотранспорт воситасига чоралаб буйича тақсимланган рухсатномалар сони доирасида халқаро автомобильда ташишга аниқ бир давлатнинг 2 та рухсатномаси берилади.

Бунда, ташувчи томонидан олдинги ҳисобот йилида халқаро автомобильда ташишга олинган хорижий ва (ёки) кўп томонлама рухсатномалар сонининг камида 70 фоиздан фойдаланиш ушбу норма қўлланилишининг мажбурий шарти ҳисобланади.

4. Хорижий ва (ёки) кўп томонлама рухсатнома берилганлиги учун йигим микдори рухсатнома берилган санада Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий **ҳисоб-китоб микдорининг тўртдан биригача** пасайтирилсин.

5. Миллий ташувчиларга (резидентларга):

а) **норезидентлардан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида нақд хорижий валютани** транспорт экспедицияси шартномалари (юкларни ташиш) буйича ҳақ тўлаш ҳисобига олишга, олинган суммани Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидан очилган ўзининг хорижий валютадаги талаб қилиб олинган депозит ҳисоб рақамларига ўтказишга рухсат берилсин. Бунда, халқаро товар-транспорт юк хати халқаро ташувчилар бажарилганлигининг тасдиғи ҳисобланади;

б) юкларни халқаро автомобильда ташийдиган хайдовчиларга хизмат сафарига, шу жумладан, йўлда бўлган вақтда улар томонидан турар жой ижараси ва суткалик харажатларини ҳар бир сутка учун **тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этмасдан** умумий тўлов шаклида:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган вақт учун – белгиланган базавий ҳисоб-китоб микдорининг 50 фоизига;ча;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бўлган вақт учун – 60 АҚШ долларига;ча бўлган микдорда қоплашга рухсат берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда уч ой мuddатда 2019-2021 йиллар даврида ишлаб чиқарилган пайтидан бошлаб 4 йилдан ортқ мuddат ўтмаган маҳаллий ва чет элда ишлаб чиқарилган катта юк автотранспорт воситалари, тиркамалар ва ярим тиркамаларни, шу жумладан, лизинг асосида сотиб олишни молиялаштириш учун хар йили хорижий молиявий институтларнинг камида 100 миллион АҚШ доллари микдоридан узоқ мuddатли кредит ресурсларини жалб этиш чора-тадбирларини кўрсин.

7. "JV MAN – Auto Uzbekistan" МЧЖ ҚҚ ва "MAN Truck and Bus AG" (Германия) компанияси ўртасида:

мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ўтиргичли таягач (шатак)ларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш мақсадида улар қийматини оптималлаштириш доирасида автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш учун Германия томонидан бутловчи буюмлар ва узелларга 10 фоиз микдорда чегирма берилиши;

ишлаб чиқарилган пайтидан бошлаб 4 йилдан ортқ мuddат ўтмаган, Европада ишлаб чиқарилган "MAN" русумли катта юк автотранспорт воситалари марказлаштирилган тартибда етказиб берилиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлақонли сервис хизмати таъминланиши тўғрисида ахдлашувга эришилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. "Ўзавтосаноат" АЖнинг "JV MAN – Auto Uzbekistan" МЧЖ ҚҚ ва "UzAuto Trailer" томонидан ишлаб чиқарилган янги маҳсулотлар мақсулот қийматига инфляция даражаси доирасида тузатиш киритиш имконияти билан **икки йилгача мuddат билан тўловни фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш** шартларида сотиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспорт вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига 1957 йил 30 сентябрда Женева шаҳрида имзоланган Европа хавфли юкларни йўлларда халқаро ташиш тўғрисидаги битимга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши буйича тақлиф киритсин.

10. Молия вазирлиги Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш буйича тўловларни қафолатлаш жамғармаси билан биргаликда уч ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига миллий ташувчиларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида суғурта полисларини "Яшил харита" халқаро тизими буйича сотиб олиш учун шарт-шароитларни назарда тутадиган ўзгариш ва қўшимчалар буйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги икки ой мuddатда Евро-3, Евро-4 ва Евро-5 стандартлари дизель ёқилғисини импорт қилиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиш учун тадбиркорлик субъектларини ва хорижий компанияларни уларнинг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратилган ҳолда жалб этиш буйича амалий чора-тадбирлар кўрсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари халқаро автомобилда юк ташувчи миллий ташувчиларнинг буюртманомалари буйича ҳаракатланадиган таркибини сақлаш, техник хизмат кўрсатиш ва таъминлаш учун мўлжалланган автотранспорт корхоналарини жойлаштириш ва қуриш учун фойдаланилмабтган бинолар ва ишлаб чиқариш майдонларини, шунингдек, экин экиладиган ерлардан ташқари қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер

участкаларини белгиланган тартибда беришни таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Транспорт вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Логистика марказлари ва йўлбўйи инфраструктура объектларининг интеграциялаштирилган тармоғини ривожлантириш концепцияси ҳамда уни амалга ошириш буйича Тадбирлар режаси лойиҳаларини киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги:

икки ой мuddатда юк ташувчиларнинг потенциал буюртмачиларини тизимли хабардор қилиш учун умумтарқалган электрон тизимларда фойдаланиладиган автотранспорт воситаларининг асосий тавсифлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган миллий ташувчиларнинг ягона реестри шакллантирилишини;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритилишини;

олдин қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминлас

# ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА ОТА-ОНАНИНГ РОЛИ

**Оила – жамиятнинг асосий таянчи экан, унинг муштаҳамлиги, тинч-тотувлиги, фаровонлиги ва барқарорлигидан жамият манфаатдор. Ота-оналар маънавий ва jisмоний етук авлодни тарбиялаш, ёшларни оилавий ҳаёт қуришга тайёрлаш, замонавий касб-хунар сирлари билан қуроллантириши лозим. Оила муштаҳамлиги маънавий ва jisмоний баркамол фарзанд гаровидир.**

Республикада ёшларни ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етиштиришга ҳизмат қилаётган олий таълим муассасалари қаторида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институтининг ўрни катта.

Хусусан, яқинда Тошкент шаҳар божхона бошқармасида Божхона институтида курсант ва тингловчиларнинг маънавий ахлоқий тарбияси, jisмоний тайёрлиги, ҳуқуқий онг ва маданиятини ошириш, уларда юксак маънавий, ватанпарварлик фазилатларини шакллантиришда яқинлари иштирокини кенгайтириш мақсадида курсантларнинг ота-оналари иштирокида учрашув ташкил этилди.

Тадбирни Тошкент шаҳар божхона бошқармаси бошлиғи Б.Дадамавов кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистон Республикасининг божхона тизими ҳозирги кунда мамлакатимизнинг ички бозорини химоя қилувчи, давлат хазинасини тўлдирувчи ҳамда бошқа бир қатор муҳим давлат аҳамиятига молик вазифаларни бажарувчи ҳуқуқни муҳофазат қилувчи давлат органи эканлиги таъкидлаб ўтди. Шунингдек, бугунги кунда божхона органи ходимларининг Ватан олдидаги бурчини садоқат билан бажаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги қайд этилди. Институтда таълим олаётган ёшларни чуқур билимли, масъулиятни ҳис этидиган, ҳар жиҳатдан етук кадрларни тайёрлашда нафақат тизимдаги мутахассислар балки ота-оналарнинг ҳам роли катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбир давомида Божхона институт бошлигининг биринчи ўринбосари Ж.Қодиров сўзга чиқиб, бугунги кунда мамлакатимиз миллий божхона тизимини шакллантириш ва такомиллаштиришда, соҳага малакали кадрларни таъминлаб бериш

ўйида олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтди. Жумладан, Божхона институтида божхона иши соҳасидаги халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда курсантларда тахлилий фикрлаш, янги билимларни мушаккил равишда эгаллаш ва уларни амалиётда қўллаш кўникмасини ривожлантиришга йўналтирилган янги ҳаётнинг тизими ҳамда битирувчиларнинг дартли амалий кўникмаларни шакллантириш мақсадида 2018-2019 ўқув йилидан номухтаassisлик фанларнинг ҳажмини камайтириш ва мутахассислик фанлари ҳажмини ошириш ҳисобидан уч йиллик назарий курс ҳамда худудий божхона бошқармаларида бир йиллик стажировка ўташдан иборат ўқитиш тизими йўлга қўйилгани қайд этилди.

Тадбирда курсантлар ота-оналарига институт ўқув-тарбия жараёнидаги янгиликлар, ҳар бир курсантнинг 2018/2019 ўқув йили семестр якунилари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳамда хизмат ва ўқув интизомига риоя қилиш ҳолати юзасидан маълумотлар берилди.

Учрашув давомида дунёдаги энг улуғ неъматлардан бири бу оилавий тинчлик-хотиржамлик, фарзандларнинг келажаги ҳақида қайғуриш эканлиги, иштирокчиларга келгусида божхона тизимида меҳнат қилаётган фарзандларнинг хатти-ҳаракатларига бефарқ бўлмашликларига алоҳида урғу берилди. Тамағирлик, хизмат мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш каби салбий иллатларга қарши курашишда оила аъзолари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш зарурлиги айтилди.

Ўзаро очик-мулоқот тарзида ўтган учрашув яқинда ота-оналар институтдаги таълим тарбия тизими ва уни янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Зарина РУСТАМОВА**

**Бугунги шиддат билан ўзгараётган замон барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги bosқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Зеро, жамият олдида турган долзарб масалаларни ечишда фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини муштаҳамлаш, таълим тизимини ривожлантириш, инновацион иқтисодий тараққиётга алоҳида эътибор қаратиш ва бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришни тақозо этмоқда.**



**Таълим**

## ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ – ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Яқинда Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, куриш ва эксплуатацияси институти профессор-ўқитувчи, ходимлари ўртасида "Илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 24 май куни Ўзбекистон Миллий университетидида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан ўтказган учрашувда қўрилган масалалар, тақдирлар ҳамда белгиланган вазифаларни ўрганишга бағишланди.

Сўзга чиққанлар илмий-тадқиқот ишларини тижоратлаштириш, кадрлар тайёрлаш ва уларни моддий, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, таълим сифатини ошириш масалалари юзасидан маълумотлар бериш баробарида, бу борада белгиланган вазифаларга ҳам тўхталиб ўтишди.

– Айтиш мумкин биздан сон эмас, сифат, самардорлик талаб қилинаркан, бунга эришиш учун эса хориж тажрибасини яхшилаб ўрганишимиз лозим, – деди Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, куриш ва эксплуатацияси институти ректори, техника фанлари доктори, профессор Олимжон Рискүлов. – Институтимиз билан ҳамкорлиги йўлга қўйилган 40 дан ортиқ хорижнинг нуфузли олий таълим муассасалари билан тузилган шартномалар ижросини тўлиқ амалга ошириш, илмий асосланган тажрибалар асосида етук мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйишимиз, юртимиз иқтисодий тармоқлари учун замонавий билим-тадқиқот ишларини тижоратлаштириш, кадрлар тайёрлаш ва уларни моддий, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, таълим сифатини ошириш масалалари юзасидан маълумотлар бериш баробарида, бу борада белгиланган вазифаларга ҳам тўхталиб ўтишди.

Шунингдек, тадбир доирасида экология ва ички ёнғун двигателлари кафедраси профессори Сарвар Қодиров олий таълим муассасасининг келгуси фаолиятини амалга ошириш борасида ишлаб чиқиши кўзда тутилган концепцияга ўз таклифларини бериб, хориж тажрибасидан келиб чиқиб, дарслик ва услубий қўлланмалар чоп этиш ва талабаларнинг китобхоналик маданиятини ошириш вазифасини амалга оширишда ўзаро бирлашишга ҳамда аниқ қизиқишларга таянган ҳолда манзилли тадбирларни кучайтириш таклифларини илгартиришди.

Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қидирув кафедраси мудир Рашид Худойқулов ҳам давра суҳбатидида қўрилган масалалар юзасидан ўзининг мушоҳадалик фикрларини билдирди. Қизғин фикр ва таклифлар, мулоҳазали, мунозарали чиқишлар доирасида ўтган тадбир барча иштирокчиларга бирдай манзур бўлди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

## Фармон ва ижро ЖАМИЯТДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁСДИР

**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида "Миллий қадриятлар ва урф-одатларни сақлашда аёлларнинг ўрни" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

Сўнгги икки йил давомида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолияти ва вазифалари тубдан ўзгарди. Миллий анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, қадриятларимизни қадрлаш ва уларни келажақ авлодга етказишда хотин-қизларнинг масъулиятини янада ошириш борасида олиб борилаётган дастуруламал ишлар сирасига ушбу вазифалар ижроси ҳам қамраб олинган.

Миллий қадриятларимизни кўз қорачиқдек асраб-авайлаш, уларни янада бойитиш, тарғиб қилиш ва келажаги ёрқин истиқболли авлод эгаларига безавол етказиш нафақат жамиятимизни ривожланишда, балки халқимиз ҳаётида ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Бинобарин, бугунги кун йигит-қизлари юртимизнинг эртанги эгалари ва давомчиларидир. Шунинг учун ҳам ёшларимизни юрт тақдирига дахлдорлик, она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш бугунги куннинг энг асосий вазифасидир. Зеро, миллий қадриятларни онгу шуурига сингдириб, аъналаримизга ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбияланган келажақ авлоди шу муқаддас юрт учун, халқнинг миллий гуруҳи ва осийишталлиги учун ҳар қандай ёт ва зарарли иллатларга қарши кураша олади.

Ёшларимизни урф-одатларимизга, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида камолга етказиш, миллийлигимизнинг ва тақдорланмас гўзал урфларимизни уларнинг онгу тафаккурига сингдиришда ҳамда фарзандларимизни зукко ва оқил инсонлар қилиб тарбиялашда аёллар, оналарнинг роли беқийсдир, – дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг jisмоний ва юридик шахслар мурожаатлари бўлими мутахассиси Феруза Орипова. – Келажақнинг нурули эрталари ҳисобланмиш ёшларни тарбиялаш, хусусан, оилада миллий қадрият ва урф-одатларга риоя қилиш, уларнинг мазмун-моҳиятини фарзандлар онгига сингдиришдек муқаддас вазифани амалга оширишда хотин-қизларнинг ўрни беқийсдир.

Мулоҳаза ва қизгин фикрларга бой тарзда ўтказилган конференция барча иштирокчиларга бирдай манзур бўлди.

**Гулнигор САТТОВОРА**

## "СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ?"

**"Сен баҳорни соғинмадингми?" шеърига яратилган соғинчбахш қўшиқ ҳар гал янграганида беихтиёр баҳорни кўмсаб энтикамиз, бизни шундай гўзал таассуротларга ошно этган Абдулла акани соғинамиз.**

Яқинда "Mashhur press" нашриёти томонидан чоп этилган "Сен баҳорни соғинмадингми?" деб номланган ушбу китоб муаллифларидан бири – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, юридик фанлар доктори, профессор Акмал Саидов Олий Мажлис депутатлари сифатида ардоқли шоиримиз билан бирга узок йиллар давомида фаолият юритган, олис ва яқин юртлар сафарларида ҳамроҳлик қилиб, ҳаётда доимо ўзаро дўст ва дилкаш ҳамсуҳбат бўлган. Иккинчи муаллиф ҳам ўз вақтида парламентимиз депутати, Абдулла Ориповнинг кўпсонли шогирдларидан бири, шоир, таржимон, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрган журналист Гулом Мирзодир.

Акмал Саидовнинг ҳалқ шоирига бағишланган эссе, макрала ва хотирлари китобнинг биринчи – "Абдулла Орипов сийрати" қисмидан жой олган. Муаллиф ўзи гувоҳ бўлган мушаккил давлатимиз мадҳияси яратилиши тарихи ҳақида ҳикоя қилар экан, кўпчилик учун у қадар маълум бўлмаган эътиборли маълумотларни келтиради. Давлатимиз мадҳияси шеърини матни ва мусиқасини яратиш устида мушаккил эълон қилинмасдан аввал – икки ярим йил давомида иш олиб бориладган экан. Ушбу масъулиятни вазиға Ўзбекистон Олий Советининг Маданият, фан ва халқ таълими, маданият меросини асраш, Миллатлараро муносабатлар, тил ва байналмилал тарбия масалалари доимий комиссиялари зиммасига юклаган. Давлат мадҳияси шеърини матнининг танловида 60 дан ортиқ шоир, мусиқа танловида 30 га яқин композитор иштирок этган.

Танлов якунилари натижасига кўра, биринчи ўрин Абдулла Орипов шеъри ва Мутал Бурхонов мусиқаси асосида яратилган давлатимиз мадҳиясига берилган ва ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил декабрида бўлиб ўтган ўн биринчи сессиясида депутатлар томонидан яқдиллик билан тасдиқланган. Шу тарзда Абдулла Ориповнинг номи Ўзбекистон мадҳиясининг муаллифи сифатида мушаккил давлатимиз шонли солномасида мангу муҳрланиб қолди.

Бугунги кунда Абдулла Ориповнинг "Ўзбекистон" қасидасини билмайдиган китобхон бўлмас керак. Олти йил давомида битилмиш, 1970 йилда тугалланган бу асарда Амир Темурнинг мадҳ этилиши шоирнинг чинакам жасоратли эканлигини шубҳасиздир. Аммо унинг эълон қилиниши осон кечмаган. Бунинг сабаби – қасидада Соҳибқироннинг "буюк жаҳонгир" деб аталishi бўлган. Бундай таъриф мушаккил тузумда қарор топган сохта синдий мафкурага зид эканлиги сабабли муҳаррирлар уни эълон қилишга журъат қилиш олмаган. Фақат Зулфия опанинг сай-ҳаракатлари билангина "Ўзбекистон" қасидаси айрим таҳрирларга учраган ҳолда "Саодат" журналида чоп этилган.

Акмал Саидов Амир Темур сиймоси умуман халқ шоиримизнинг ижодида алоҳида ўрин эгаллашини ўқтиради. 1995 йилда ёзилган "Соҳибқирон" достони, Амир Темур сиймосининг турли жиҳатларини очиб берадиган "Темур боғлари", "Темур тоши", "Оқсарой" каби шеърлар худди шундан далолат беради. Уларда Соҳибқироннинг саркардалиқ маҳорати, лашкарбошлиқни харбий санъат даражасига кўтаргани билан биргаликда тарқоқ улусларни бирлаштириб қудратли салтанатни барпо этгани, инсоний фазилатлари, элу юртига муҳаббат бетақдор ифодасини топан.

"Сен баҳорни соғинмадингми?" да Абдулла Ориповнинг яна бир иходий жасорати – Европа маданияти ва шеърла-

тининг энг ёрқин намоёндаларидан бири Алигъери Данте қаламига мансуб "Илохий комедия"нинг ўзбек тилига таржима қилиши батафсил таҳлил этилган. Маълумки, "Илохий комедия" охириги минг йил ичида Фарбада яратилган энг сара ўнга китобнинг биринчиси сифатида эътироф этилган. Дантенинг ушбу шоҳ асарини италиячадан бошқа тилларга ўгириш таржимондан фақат юксак маҳоратинига эмас, шунингдек, асарнинг сеҳрли рақамлар асосига қурилишига мос шеърини шаклини ихтиро қилиши талаб этилиши билан ҳам ажралиб турган. Яъни "Илохий комедия"даги санолар деб аталувчи ҳар бир банд уч сатрдан иборат ва бу учликлар ҳам ўзаро қўфияланиб, ҳам мазмунан занжирдай боғланиб келаверади. Бу тартиб санонинг бошидан охиригача давом этади.

Абдулла Орипов Данте шоҳ асарининг ўзбекча матнида унинг ана шу муқаммал шаклини тўқис сақлабгина қолмасдан, сатрларни, ҳаттоки сўзларни аниқ ҳисоб-китоб асосида ишлатган. Дарҳақиқат томонидан, шунингдек, асарнинг бадиий шираси, таъсирчан шеърини образлар силсиласи, ранго-ранг бўёқлари, лирик ташбиҳ ва тамсиллар, таъриф ҳамда тасвирларнинг ўзбекча жаранглашига эришилган. Бу ҳақда Абдулла Ориповнинг ўзи 1984 йилги Италия сафари таассуротларига бағишланган "Дантенинг безовта руҳи" номли мақоласида: "Мен италияликларга "Дўзах"нинг бошланish қисмидан ўзбекча парча ўқиб бердим. Залдагиларнинг баъзилари италия тилида жўр бўлишди", деб гувоҳлик берган.

Гулом Мирзо "Сен баҳорни соғинмадингми?" китобини иккинчи қисми – "Жондек азиз хотира"да устози Абдулла Орипов билан жуда кўп учрашувлари, мулоқотлари ҳақида ҳикоя қилди. Муаллиф Абдулла Орипов шеърларининг Н.Гребнев, О.Дмитриев, А.Файнберг, А.Наумов, А.П.Реловский, В.Цибин каби таржимонлар томонидан рус тилига ўгирилишида эришилган муваффақиятлар, шунингдек, йўл қўйилган ҳаттолар атрофича таҳлил қилиб чиққан.

Китобда муаллиф, ўз вақтида Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг масъул ходими бўлган Гулом Мирзонинг устози Абдулла Орипов билан Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, шоирнинг нима сабабдан "Илохий комедия" таржимасига қўл урганлиги, Истиклол ва ислохотларнинг халқ фаровонлигига тутган ўрни, муаллифлик ҳуқуқини химоя қилиш, ёшларни қўллаб-қувватлаш хусусидаги ва бошқа мавзулардаги батафсил суҳбатлари келтирилган.

Муаллиф, академик Акмал Саидов қайд этишича, "улғу шоирнинг "Сен баҳорни соғинмадингми?" шеърига яратилган соғинчбахш қўшиқни илк бор Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев, кейинчалик таниқли хонанда Икромжон Бўронов ижро этган. Уша қўшиқ ҳар гал янграганида, беихтиёр баҳорни кўмсаб энтикамиз, бизни шундай гўзал таассуротларга ошно этган Абдулла акани соғинамиз. Китобни номлашда Абдулла аканинг "Сен баҳорни соғинмадингми?" деган ўша машҳур мисрасини танлаганимизнинг боиси ҳам шунда".

Ҳа, "Сен баҳорни соғинмадингми?" китоби Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповни, унинг ҳароратли, тевран фалсафий, юрак тўридан ўрин оладиган шеърларини соғинган китобхонларга муносиб совға бўлди.

**Эркин ЭРНАЗАРОВ**

## Хабарлар

### ТОШКЕНТДА 500 КИШИГА БЕПУЛ УЙ БЕРИЛДИ

**Пойтахтимизда шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган тадбирда 500 кишига Президент совғаси – бепул уй қалитлари топширилди.**

Пойтахтнинг жами 11та туманидан комиссия асосида танлаб олинган икки тоифадаги фуқароларга – уй-жойга муҳтож, оғир вазиятга тушиб қолган, ноғиронлиги бўлган, боқувчисини йўқотган, ёлғиз аёлларга ҳамда Фанлар академияси қошидаги илмий-техшириш институтларининг илмий тадқиқотчилари, олий таълим муассасаларида илмий изланиш олиб бораётган докторант ва таъин докторантларига Сергели тумани Шоштепа маҳалласи Узар кўчасида Туркия технологиялари асосида бунёд этилган янги кўпқаватли уйлارнинг қалитлари топширилди.

Янги уй қалитларини топшириш маросимида Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, ҳоким ўринбосари Дилбар Нажмидинова нутқ сўзлади.

– Оилаларнинг фаровонлигини таъминлаш, унда тарбия топаётган фарзандларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиши учун барча қулайликларга эга турар жойнинг бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бу Рамазон ҳайити арафасида қилинаётган мазкур хайрли ишнинг давлат сийсати даражасида эканлигини кўрсатади, – дейди у ўз сўзида.

– Ислохотларни четдан кузатиш яхши. Аммо эртанг да бўлаётган ўзгаришларнинг таъсирини тўридан-тўрига ўз ҳаётингда ҳис қилиш бошқача экан. Ҳаётимизда қийинчиликлардан сўнг ҳуқуматнинг кўрсатган моддий ёрдамдан жуда хурсандман, – дейди янги уй соҳиббаси бўлган Римма Хачатурян.

Шунингдек, қалитларни топшириш тантанасидан сўнг янги уй соҳиблари учун дастурхон ёзилди.

### ЁШ ОЛИМЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ

Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиққўжаев Фанлар академияси Геномика ва биоинформатика маркази таъин докторантурасида таҳсил олаётган Феруза Бобонова, Наим Хусеинов ва Жўрабек Норбековга Президент совғаси сифатида бир хонали уйлارнинг қалитларини топширди.

Ҳозирда Наим Хусеинов гўзанин вилт касалигига чидамли наф ва линияларни яратиш устида тадқиқотлар олиб бораётган бўлса, Феруза Бобонова тарошканининг ген-нокаут технологияси асосида янги истиқболли линияларни олиш бўйича тадқиқот устида иш олиб бормоқда. Жўрабек Норбеков эса маҳаллий бугуд навларининг генетик паспортини ишлаб чиқмоқда. Мазкур паспорт селекцион олимлар яратган навларнинг муаллифлик ҳуқуқини химоя қилиш билан бирга олимлар томонидан бир хил навларни яратишни олдини олади.

Геномика ва биоинформатика марказининг Президентдан совға олган докторантлари ўз илмий ишлари ва тадқиқотлари ҳамда мақола-изланишлари учун қўллаб-талловларда голибликни қўлга киритган ёш олимлардан.

### "ТОМОША" БОЛАЛАР МУСИҚИЙ ТЕАТРИ ОЧИЛДИ

Бугунги кунда Президентимиз ташаббуси билан театр санъатини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларга асосан "Томоша" болалар театри ва бош хомий – АТ "Алоқабанк" орасида "Дўстлик клуби" тuzилди. Матбуотчилар кўчаси, 32 уйнинг театрга ажратилган бир қисмида таъмирлаш ишлари олиб борилди ва очилиш маросими 1 июнь – Халқаро болалар куниде бўлиб ўтди.

АТ "Алоқабанк"нинг сай-ҳаракатлари туфайли Осиёда ягона бўлган "Томоша" болалар театр студиясида янада қулай шарт-шароитлар яратилди: 377 ўринли томошабинлар зали, қулай репетиция хоналари, турли кўргазма ва тадбирлар ўтказишга мўлжалланган кенг, ёруғ театр фойеси.

"Томоша" болалар музикаий театр студиясининг очилиши нафақат юртимиз фарзандларига улкан совға бўлди, балки 30 йил давомида фидойи фаолият кўрсатиб келган театр жамоасини янги ижодий чўққиларни зааб этишга илҳомлантирди.

Маълумот ўрнида, "Томоша" болалар музикаий театр студияси иходининг 30 йил давомида ёш истеъодларнинг бир неча авлодини воғға етказди. Ушбу кунгача театр 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг қамраб олувчи бутун Урта Осиёда ягона театр ҳисобланиб, у Голландия ва Корея, Германия ва Хиндистон, Франция ва Хитойдаги халқаро фестивалларнинг совриндорли бўлган. Шунингдек, "Очик Европа" номли нуфузли фестивалнинг энг юксак муқофоти – "Гран-при"га сазовор бўлган.

"Томоша" театр студияси ўз фаолияти давомида давлат миқсидига нуфузли байрамларда иштирок этиб келмоқда.

### ХИТЎЙ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА СМАРТ УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМОҚДА

Хитойнинг Ўзбекистондаги элчиси Цзян Янь Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига келди.

Элчи инновация ва илмий тадқиқотлар кластерида хитойлик талаба ва магистрлар билан суҳбатлашди. Институтнинг кенг қамровли таълим ва илмий фаолиятини юқори баҳолади.

Таълим муассасасининг 5 нафар талабаси Хохай университетиде таълим олмақда. Тез орада Хитойнинг Нанкин университети билан ҳамкорликда қўшма магистратура дастурига амалга оширилиши режалаштирилган. Шунингдек, Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб, смарт (акulli) университет фаолияти йўлга қўйилмоқда. Смарт университете талабалар ақлли қурилмалар орқали назорат қилинади, интерактив доскалар орқали таълим берилади.

### ТОШКЕНТ – БИШКЕК – БАЛИҚЧИ ПОЕЗДИ ҚАТНОВИ БОШЛАНДИ

Туристлик мавсуми бошланishi билан Тошкент – Бишкек – Балиқчи поезди қатнови йўлга қўйилди. "Қирғиз темир йўли" давлат корхонасининг маълум қилишича, поезд ҳар пайшанба кун маҳаллий вақт билан соат 20.50 да Тошкентдан йўлга чиқади. Бишкек шаҳрига жума кун соат 16.03 ва Балиқчига соат 20.29 да келади.

**Турли манбалар асосида тайёрланди**

**Республика олимпия захиралари мактаб-интернатиди Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ва Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси ҳамкорлигида белбоғли кураш бўйича "Адолат" кубоги мусобақасининг республика босқичи ўтказилди.**

Мусобақа давлатимиз раҳбарининг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 муҳим ташаббусни рўйбга чиқариш, ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом, бақувват ва баркамол қилиб тарбиялаш, спортчи ёшларни миллий қадриятларимизни эъзозлаш ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳамда белбоғли кураш спорт турини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида оммалаштириш мақсадида ташкил этилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари ва депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон "Адолат" СДП фаоллари, Миллий Олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси вакиллари, беллашувнинг ҳудудий босқичлари голиблари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Кейинги икки йил давомида жисмоний тарбия ва спорт соҳасига доир қабул қилинган бир қатор Фармон ва қарорларда аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллигини оширишга қаратилган бир қатор вазифалар белгиланди, — деди партия Сийёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов. — Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йилда Олий Мажлисга тақдим қилган Мурожаатномасида мамлакатимизда спортни жадал ривожлантириш, халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга бундан буён ҳам катта аҳамият бериш, ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш кераклиги алоҳида таъкидланган. Партиямиз бир неча йилдан буён Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. "Адолат" кубоги мусобақасининг ўтказилиши эса ҳамкорлигимизни янги босқичга олиб чиқди, деб ўйлаймиз.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мазкур спорт тури билан қўллаб-қўлларини мунтазам шуғулланмоқда. Азал-азалдан турли сайилларда, тўй ва бошқа тадбирларда бир-биридан қизиқар-

ли беллашувлар ўтказилган. Бу беллашувларда кураш ерга тегмаган полвонларимиз юртимиз довуғини дунёга танитганлар. Узоқ тарихга эга бўлган белбоғли кураш ўзбек полвонларининг маҳорати, матонатини намоён этиб келади.

Жорий йилнинг март-апрель ойларида белбоғли кураш бўйича "Адолат" кубоги мусобақасининг туман, шаҳар ва ҳудудий босқичлари очилди, ошқоралик, рақобат мезонлари асосида ўтказилди. 136 та туман,

**"АДОЛАТ" КУБОГИ ГОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ**

шаҳарларда ўтказилган саралаш ҳамда ҳудудий босқичлардаги беллашувларда 7 500 нафардан ортиқ ёш полвонлар иштирок эттиди.

Мусобақанинг республика босқичида ҳудудларда голибликни қўлга киритган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри катнашчилари — 2000, 2001 ҳамда 2002 йилда турилган ўғил болалар 6 вазн тоифасида (55, 60, 65, 71, 77, 83 кг. вазн тоифасида) 80 дан ошиб энг сара полвонлар ўзаро куч синашди.

Халқимиз ўртасида ҳалоллик, мардлик, жасорат намунаси ҳисобланиб, ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга бўлган мазкур спорт тури бўйича беллашувлар бошланишидан аввал Президентимизнинг 5 ташаббусига ҳамроҳ равишда санъат усталарининг бадиий чиқишлари мусобақа иштирокчилари ва томошбинларни хушнуд этди. Шунингдек, ёшлар ўртасида китобхонлиқни кенг тарғиб қилиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида бадиий ҳамда ҳуқуқий адабиётлар ярмаркаси ташкил этилди.


— Миллий кураш турларидан бири бўлган белбоғли кураш қанчадан-қанча ўзбек полвонларини кашф этиб келаётгани барчамизга маълум, — дейди "Адо-

лат" кубоги мусобақасининг 2-ўрин соҳиби Шаҳзод Мирзаёров. — Шу мақсадда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ташаббуси билан ўтказилган "Адолат" кубоги мусобақасининг республика босқичида иштирок этганимдан бениҳоя хурсандман. Босиш, мазкур учрашув мардларча майдонга тушишда ўсимга бўлган ишончимни ортиштига, тажриба алмашишга, иқтидоримнинг янги қирраларини очишга яна бир қарра замин яратди. Албатта, мусобақа жараёнида вилоятлардан ташриф буюрган тенгдошларимиз орасида кучли курашчилар борлигига гувоҳ бўлдим. Турли вазнлар доирасидаги учрашув, ўзининг бетакрор лаҳзалари билан эсда қоларли бўлди. Кураш майдонидан бор куч ва ғайратимни кўрсатишга интилдим ва голиблар қаторида 2-ўринга лойиқ топилдим. Бу эса, спортга бўлган меҳримни янада мустаҳкамлашга туртки бўлди. Биз, ёшлар партия ташаббуси билан ўтказилган мусобақаларни янада кўпайиши тарафдоримиз. Зеро, фарзандлари соғлом юртининг эртаси қудратли бўлар экан, бу йўлда белбоғли курашимизни бундан-да ривожланишига ўз ҳиссамизни қўшимиз ўринлидир.

Кўтаринки руҳда бошланган мусобақа қизиқарли ва муросасиз беллашувларга бой бўлди. Бир-биридан маҳоратли полвонлар баҳсида энг кучилар голиблик шохсупасига кўтарилди.

Яқини натижаларга кўра, энг кўп совринли ўринларни эгаллаган Андижон вилояти жамоаси умумжамоа ҳисобида "Адолат" кубоги республика мусобақаси голиби бўлди. Мусобақада Тошкент шаҳридан Ҳасан Азимов (55 кг.), Андижон вилоятидан Ойбек Султонов (60 кг.), Нусратбек Султонов (65 кг.) ва Рўзиохун Рўзиохун (71 кг.), Фарғона вилоятидан Раҳматилла Анваржонов (77 кг.), Тошкент шаҳридан Нодир Аҳаджонов (83 кг.) 1-ўринга сазовор бўлишди. Мазкур вазн тоифаларида Камронбек Ортиқов (Андижон), Жаҳонгир Ҳайтов (Наманган), Холмирза Ҳасанбоев, Шаҳзод Мирзаёров (Тошкент шаҳри), Мангуберди Имянов, Сардор Тўлаев (Тошкент вилояти) иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, ҳар бир вазн тоифасида икки нафардан иштирокчи 3-ўринга лойиқ топилиб, голиблар сафидан жой олишди.

Голиблар мусобақа ташкилотчилари томонидан диллом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. **Зиёда РАСУЛОВА**



**МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРИДИР**

**Соғлиқ каби вақтнинг ҳам қадри ўтганда билинади.**

**Айблаш осон, оқлаш қийин.**

**Бировни муҳокама қилиш осон, лекин ҳар кимнинг аҳволи ўзига маълум.**

**Истеъдодни рўйбга чиқариш ҳар кимнинг ўз қўлида.**

**Ортга сурганинг билан муаммони биров ҳал қилиб бермайди.**

**Бетоқатлик ақлнинг етишмаслигидан.**

**Тинчлик бўлмаса, соғлиқ ҳам йўқ.**

**Ҳаммага бир кўз билан қараб бўлмайди.**

**Қийшайган дарахтга тирговуч қўйлади. Омонат бахтни тирговуч тутиб қололмайди.**

**Ҳаётни кузатиб, одамларнинг турмуши, тақдири, хатти-ҳаракати, феъл-атворини кўриб ибрат олиш, хулоса чиқариш керак.**

**Асабий кимсага портлаб кетиши учун арзимас бир баҳона кифоя.**

**Нодон табиатини ўзгартиришга ҳаракат қилмайди.**

**Муҳаббатга куч билан эришиб ҳам, уни куч билан сақлаб ҳам бўлмайди.**

**Ҳар турли воқеалар инсоннинг аслида кимлигини аниқловчи имтиҳондир.**

**Кимни мақтов бузади, кимни танқид.**

**Бировнинг юкига елкасини тутиб берадиган мард кам.**

**Эргаш ОЧИЛОВ**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**Яшнобод туманидаги умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ошхоналарини ижарага бериш бўйича**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Яшнобод туманидаги умумтаълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида ошхоналарни ижарага бериш бўйича

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**

Танловда иштирок этувчилар аризалари 2019 йил 10 июндан 10 июлга қадар соат 9:00 дан 18:00 гача Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 21-уйда (Яшнобод тумани ҳокимлиги, 28-хона) қабул қилинади.

Танловда иштирок этувчилар аризалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги 132-сон қарориди белгиланган ҳужжатлар асосида қабул қилинади.

Танлов 2019 йил 12 июлда соат 10:00 да Яшнобод тумани, Бирлашган кўчаси, 1-бەк кўчаси, 4-уйда Яшнобод тумани 1-сектор штаби мажлислар залида ўтказилади. (Мўлжал 4-сонли шаҳар шифохонаси)

Танловга оид қўшимча маълумотлар билан [yashnobodtb@xtv.uz](mailto:yashnobodtb@xtv.uz) электрон почта манзилига ва 71 293-68-53 телефониغا мурожаат қилишингиз мумкин.

Ошхонаси танловга қўйиладиган Яшнобод тумани таълим муассасалари рўйхати ва манзиллари:

№	Муассаса номи	Манзили	Иш телефони
1	23-мактаб	Сокин кўчаси, 57-уй	71 294-19-46
2	244-мактаб	Авиасозлар 5-тор кўчаси, 55-уй	71 296-68-40
3	215-мактаб	Табассум кўчаси, 13-уй	71 295-86-67
4	Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи	Темирчун кўчаси, 53-уй	71 294-77-38

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани ТСРҲИ томонидан 06.02.2007 йилда № 0071784-05 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "SULTON FAYZ SAVDO" ХК (СТИР 300214136) Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 7.09.2018 йилдаги 4-1001-1804/23255-сонли иш қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Олмазор тумани, А.Ниёзов кўчаси, 5G-уй манзилида қабул қилинади.

1	302135519	BIRJA ELEKTR QURILISH SAVDO (OLMAZOR ELEKTROHINOZ)	06.05.2016
2	303177204	MAXIMAL PERFECT GROUP	26.03.2019

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳри, бурчакли тамғаси, корхона рўйхатидан ўтган таъсис ҳужжатлари ва Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси, низоми, таъсис ҳужжатлари ва руҳсат берувчи гувоҳномалар

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Корхонанинг дебитор кредиторлари даъволари бир ой муддат мобайнида Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Корасарой кўчаси, 269-уй манзили бўйича қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: (78) 140-94-27, (78) 140-94-97, (71) 228-05-15. Ишонч телефони: (71) 228-05-15.

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани ТСРҲИ томонидан 15.02.2006 йилда 001671-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган "Asiya-Taxi-Express" МЧЖ Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 06.05.2019 йилда 719779 реестр рақами билан рўйхатга олинган "Temur Express Taksi" МЧЖга қўшилишини маълум қилади.

"Asiya-Taxi-Express" МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан ҳуқуқий вори "Temur Express Taksi" МЧЖ ҳисобланади.

Даъво ва аризалар 98 809-39-39 телефон рақами орқали қабул қилинади.

"Шайхонтоҳур тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Шайхонтоҳур тумани, Марказ-14, 24-уй, 36-хонадон учун Каримов Абдуҷаббор номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент тижорат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи томонидан Абдуллаева Мадина Хайрулла кизи номига 2012 йилда берилган К № 2715368 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАР БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИГА ХАВФ СОЛАДИ**

**Маълумки, мулкчиликнинг турли шакллари жамият ҳаётининг иқтисодий асосини ташкил қилади. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг самарали амал қилишига ва халқ фаровонлигини таъминлашда мулкчиликнинг барча шакллари дахлсиз бўлиб, уларнинг ривожланиши учун тенг шароит яратилиши қонун қароридир.**

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, макроиқтисодий барқарорлиқни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсish суръатларини сақлаб қолиш мазкур соҳадаги ислохотларнинг бош мезони сифатида эътироф этилган.

Мамлакатимизда чет эл валютасини айирбошлашни эркинлаштириш ҳамда мазкур соҳада мавжуд ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш валютани тартибга солиш барқарорлигини таъминлашга кўмаклашади. Айни дамда иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислохотларига жиддий хавф туғдириб, хусусий мулкчилик ва мулк муносабатларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади.

2019 йил 15 январда "Иқтисодий жиноятларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашда механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши билан валюта қимматликларини олиш ва ўтказиш, хорижий валютанинг қонуний муомаласи билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар такомиллаштирилди.

Жумладан, қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини олиш ёки ўтказиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланганлигидан кейин содир этилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддаси 1-қисми билан, шундай қимматликларни анча миқдорда содир этилган тақдирда эса 177-моддаси 2-қисми билан малакаланиши белгилаб қўйилди. Суд-тергов амалиётининг таҳлили мазкур тоифадаги ишларини кўриб чиқишда қонун нормаларини қўллашда турлича талқин қилиш ва тавсифлаш шахснинг ҳаракатларини нотўғри малакаланиши айрим ҳатолликларга йўл қўйилаётганини кўрсатмоқда.

Қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини олиш ёки ўтказиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноий қилмишнинг малакаланиши Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодекси нормаларининг аниқ ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида амали-

ётчилар учун кўрсатма ишлаб чиқилди.

2019 йил 15 январга қадар содир этилган валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш учун маъмурий жазо қўлланган (1 йил давомида 2 ёки андан ортиқ маротаба маъмурий жазога тортилгандан қатъий назар) шахснинг ҳаракатлари агарда шундай ҳаракатлар анча миқдорни ташкил этмаган бўлса ЖКнинг 13-моддаси 3-қисмида назарда тутилган талаблар инобатга олинган ҳолда қонун кучга киргунга қадар амалда бўлган МЖТК 170-моддаси билан малакаланиши белгиланди.

Жумладан, муқаддам валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олганлик ёки ўтказганлик учун судланган шахс, қонун кучга кирганидан сўнг анча миқдорда валюта қимматликларини олиш ёки ўтказиш билан боғлиқ ҳаракатларни содир этган тақдирда, агарда судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган бўлса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 177-моддаси 3-қисми "а" банди (хавфли рецидив жиноят аломатларига кўра) билан, судланганлик ҳолати тугалланган ёки олиб ташланган тақдирда эса МЖТК 170-моддаси билан малакаланиши ҳамда муқаддам валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олганлик ва ўтказганлик учун судланган шахс валюта қимматликларини анча миқдорда олганлиги ёки ўтказганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг содир этган ҳаракатлари, агар судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган бўлса, ЖК 177-моддаси 3-қисми "а" банди билан (хавфли рецидив жиноят аломатларига кўра) малакаланиши ҳамда валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда анча миқдорда олиш ёки ўтказиш, муқаддам шахсга маъмурий жазо тортилган-тортилмаганлигидан қатъий назар янги тахрирдаги ЖКнинг 177-моддаси иккинчи қисми билан малакаланиши белгиланган.

Таъкидлаш керакки, мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда валюта соҳасини тартибга солишнинг бозор механизмида жорий қилиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш имкониятини рўйбга чиқаришни тўлиқ таъминлаш борасида олиб борилаётган ташкилий-ҳуқуқий чораларни қучайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Шерзод ЮЛДАШЕВ,**  
жиноят ишлари бўйича Сергели туман суди судьяси



Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: (0-371) 233-28-95  
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефониغا мурожаат қилишингиз мумкин. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: [gazeta-vto@gmail.uz](mailto:gazeta-vto@gmail.uz)

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.  
2024 нусхада босилди.  
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқхонаси, Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Топшириш вақти: 13:00 Босишга топширилди: 16:50